# БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗ АЗМУ ШИЖОАТИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШГУЗАР — БОЙСУН — ҚУМҚЎРҒОН ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳтарам дўстлар!

Энди Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлини қуриб ишга топширганимиз юртимиз равнақига нима беради, деган саволни лўнда қилиб ўртага қўйсак:

**Биринчидан,** бу йўл республикамизнинг жанубий минтақаси – Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларини бошқа ҳудудлар билан боғлайдиган, қон томиридай зарур бўлган воситани, бутун мамлакатимиз бўйлаб ягона ва яхлит темир йўл транспорт коммуникация тизимини барпо этишга имкон берди.

Қисқа қилиб айтганда, Ватанимизнинг жанубий ҳудудларини ҳар томонлама кенг қамровли ва ишончли, мустаҳкам ва самарали йўл билан боғлаб, юк ва йўловчи ташиш масофасини 170 километрга қисқартиришга имкон туғдирди.

**Иккинчидан,** амалга оширилган бу лойиҳа кўп асрлар давомида мудраб ётган тоғлар орасидан кесиб ўтиб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг четда қолиб келаётган бой ер ости минерал ресурсларини, нефть ва газ, рангли металл, кўмир ва калий тузи, қурилиш материаллари ва бошқа сифатли, қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун катта имкониятларни очиб берди.

Бу ҳақда гапирганда, биргина 2006 йилда ана шу ҳудудда 7 та янги кон очилгани, уларнинг олтитаси нефть-газ, биттаси газ кони эканининг ўзи бу макон ер ости қазилмаларига нақадар бой эканини яққол исботлайди.

**Учинчидан,** темир йўл қатновининг очилиши бу ерда, авваламбор, иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлмиш қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа, хизмат соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўчоқларнинг очилишига, ҳаётни жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам замин яратади.

Янги темир йўл фойдаланишга топширилиши билан Қашқадарё вилоятидаги Тепақўтон калий туз кони асосида Деҳқонобод калий ўғит заводининг қурилиши лойиҳасини тайёрлаш ва унга хорижий мамлакатларнинг инвестицияларини жалб этиш бўйича ишлар бошлангани бунинг далилидир.

Шулар қаторида Сурхондарё вилоятида Хонжиза полиметалл, Шарғун ва Бойсун тошкўмир конларини ўзлаштириш, янги цемент заводларини қуриш юзасидан тайёргарлик ҳаракатлари бошланганини таъкидлаш лозим.

**Тўртинчидан,** бундай улкан лойиҳа ва режаларнинг амалга оширилиши шу минтақада яшайдиган аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг амалий эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамият касб этиши барчамизга аён бўлиши керак.

Бугунги ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, темир йўл тармоғининг ишга туширилиши юк ташиш ва йўловчилар қатновини ташкил қилиш, темир йўлларга хизмат кўрсатиш ва йўл хавфсизлигини таъминлаш учун камида 2-2,5 минг ишчини талаб қилади. Қурилиши режалаштирилаётган янги корхоналар ва хизмат шохобчаларида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида эса қўшимча тарзда 3-4 минг киши ўз иш жойларини топади.

**Бешинчидан,** ҳеч шубҳасиз, бу йўл Ўзбекистоннинг чет давлатларга, аввало, Трансафғон темир йўл коридори орқали яқин келажакда тўғридан-тўғри Ҳинд океани, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари портларига чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, юртимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятимизни кескин оширади.

Ҳақиқатдан ҳам, буюк ва тарихимиздан муносиб ўрин оладиган бу қурилишнинг Ватанимизнинг бугунги куни ва эртанги ҳаётидаги ўрни ва таъсири ҳақида яна кўп гапириш мумкин.

Ўйлайманки, ушбу йўл ишга тушиши ва амалда транспорт тизимининг барқарор ҳаракати бошланиши билан кенг жамоатчилик, авваламбор, шу йўлдан ўзига қулайлик ва наф топадиган одамлар, энг муҳими, ҳаётнинг ўзи бу лойиҳанинг янги-янги қирраларини кашф этиб, унинг нақадар улкан аҳамиятга эга бўлганини яққол тасдиқлаб беради.

Лекин мен бугун бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан айтишни ўринли деб биламан.

Ишончим комилки, бу беқиёс қурилишда ўзининг азму шижоатини, фидойилик ва жасоратини намоён этган барча-барча инсонларни – қурилиш бошлиғидан тортиб, оддий ишчи ва хизматчигача – эл-юртимиз юксак қадрлайди ва уларнинг номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Ҳеч шубҳасиз, бу буюк қурилиш майдони аввало минг-минглаб ёшларимиз учун одамнинг иродасини тоблайдиган, ҳар қандай қийинчиликни енгиш учун куч-қувватни сафарбар этишни талаб қиладиган, мардлик ва фидойилик каби фазилатларни камол топтирадиган билим ва тажриба мактаби бўлди, десак, ўйлайманки, асло хато бўлмайди.

Орадан йиллар, замонлар ўтади. Ишончим комилки, мана шундай беқиёс мўъжизалар яратишга қодир бўлган халқимизнинг меҳнат жасорати, Ватанга муҳаббат ва садоқати тилларда достон, келгуси наслларга ибрат намунаси бўлиб қолади.

Мана шу хурсандчилик дақиқаларида сизларни бугунги юксак ғалаба, меҳнат байрами билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда).

анча арзон нархларида Афғонистон орқали экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш имконини берса, иккинчи томондан, Трансафғон йўлагининг очилиши «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл йўналишида юк ташиш ҳажмининг янада ортишига олиб келади. Янги темир йўл линияси қўшни мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш ҳамда келгусида Афғонистон ва Эрон орқали Форс кўрфази портларига чиқиш учун ҳам хизмат қилади.

Бош буюртмачи — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, бош пудратчи — ушбу компаниянинг Йўл хўжалиги бошқармаси, шунингдек, бош лойиҳачилар — «Боштранслойиҳа» ва «Тоштемирйўллойиҳа» институтлари мутахассислари иштирокида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари халқимиз ўз кучи, салоҳиятига таяниб, қандай буюк ва бетакрор иншоотларни барпо эта олишининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Қурилиш ишлари денгиз сатҳидан 1800 метргача баландликдаги майдонларда, мураккаб табиий шароитларда — ёзнинг жазирама иссиқ ва қишнинг аёзли совуқ кунларида, ёғин-сочин, сел-тошқин кезларида ҳам бир меъёрда олиб борилди. Ўтган 33 ой ичида ғоятда кенг қамровли — 52,5 миллион куб метрлик тупроқ ишлари бажарилган бўлса, шунинг тенг ярми тоғли ҳудудларда қояларни бурғулаш ва портлатиш эвазига амалга оширилди.

Биргина қиёс: агар ушбу тупроқдан баландлиги уч метрлик девор барпо этилса, умумий узунлиги 43 минг 250 километрни ташкил этадиган бу "белбоғ" сайёрамизнинг "бел"ига бемалол етган бўлур эди!..

Диёримиз Буюк Ипак йўли марказида жойлашган. Неча минг йиллик тарихимизнинг шуҳрати ҳам, истиқлол даври саодати ҳам, буюк келажагимиз иқболи ҳам кўп жиҳатдан йўлларнинг аҳамиятига бориб тақалади. Айнан шу боис манзиллардан-манзилларга замонавий, қулай ва хавфсиз йўллар очиш юртдошларимизнинг асрий орзуси бўлиб келган. Шунга қарамай, бу ерлардан бир кун келиб темир йўл ўтади, деса, бундан атиги 15-20 йил илгари ҳам кишиларимиз бу гапни афсонага йўяр эди.

Зотан, воҳанинг ушбу ҳудудида жойлашган баланд тоғ қоялари, чуқур сойликлар, пасту баланд адирлар узра поездлар қатновини йўлга қўйишни тасаввур қилиб бўлмасди. Миллионлаб куб метр қоя ва харсангларни бўлаклаш ва ана шу уюм-уюм тошларни ортиш, ташиш, тўкиш, шиббалаш каби оғир ва мураккаб жараёнларда иш сифатини таъминлаш, жуда тиғиз белгиланган муддатларга қатъий амал қилиш, боз устига, атроф-муҳит ва табиатга зарар етказмасдан ишлаш – буларнинг бари айтишга осон, холос.

Бунёдкор халқимиз ана шу афсонани ҳақиқатга айлантирди. Мустақиллик даври кишиларининг ўткир зеҳни, собит қадами, қатъий хоҳиш-иродаси ва азму шижоати эвазига халқимизнинг яна бир орзуси ушалди.

Бинобарин, ушбу қурилишнинг ўзи афсонавор кўлам касб этди. Жуда катта масофада пўлат из ётқизиш билан бирга, давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган темир йўл инфратузилмаси ва коммуникацияларини яратиш жараёни жадаллик билан давом эттирилди. Юк саройлари, локомотив депоси, техник хизмат кўрсатиш пункти, тармоқ электр таъминоти шохобчалари каби кўплаб объектлар шулар жумласидандир.

Йўл бўйлаб барча қулайликларни ўз ичига олган 6 бекат қуриб битказилди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида "Тошгузар", "Деҳқонобод", "Бойсун", "Қумқўрғон", "Оқработ", "Дарбанд" станцияларида халқаро андозаларга мос янги вокзаллар қурилди.




Президентимиз 2004 йилнинг ноябрь ойида ушбу темир йўлнинг "Тошгузар" бекатида бўлиб, йўловчиларга яратилган шарт-шароит билан танишиш асносида вокзалларда йўловчилар учун зарур қўшимча бинолар қуриш даркорлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Ўтган даврда бу борада катта ишлар амалга оширилди.

Юртбошимиз янги темир йўл бўйлаб дастлабки поездда Бешбулоқ қишлоғи ёнида қад кўтарган "Деҳқонобод" бекатига етиб келди. Янги вокзал биносида кутиш заллари, она ва болалар хоналари замонавий дид билан бунёд этилган. Ҳатто ногирон йўловчилар аравачалар билан чиқишлари учун қулайликлар яратиш ҳам эътиборга олинган.

Президентимиз "Деҳқонобод" бекати ҳудудида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончилик ишларини кўздан кечирди. Қурувчилар ва темирйўлчиларнинг иш фаолияти, турмуш шароити билан қизиқди.

Ислом Каримов яқин-атрофдаги қишлоқлар оқсоқоллари, қурувчи ва мутахассислар билан мулоқот чоғида янги темир йўлнинг иқтисодиётимизда тутадиган стратегик аҳамияти, хусусан, мамлакатимиз экспорт ва транзит салоҳиятини оширишдаги ўрни ҳақида тўхталди. Ушбу темир йўл ўтган воҳада кўплаб табиий қазилмалар – нефть, газ, ош тузи, калий тузидан тортиб тошкўмир, керамзит хом ашёси, шағал, оҳак, гипс, полиметалл рудаси, Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча маъдан ва хом ашё конлари жойлашган. Бу табиий бойликларни ўзлаштиришда темир йўл транспорти катта афзалликларга эга, албатта.

Айни вақтда "Деҳқонобод" станциясининг шундоққина ёнида калий маъданли ўғит заводи қурилиши бошланди. Бир томонда Шарғун кўмир конини ўзлаштиришга киришилди. Ушбу минтақадаги ер ости бойликларини ўзлаштириш юзасидан давлат дастури ишлаб чиқилган. Қолаверса, мамлакатимиз ва ушбу йўл ишга тушишидан манфаатдор давлатлар иқтисодиёти муттасил ривожланиб, бу йўл орқали қатновга эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда.

Ана шу муҳим жиҳатларни инобатга олган ҳолда, йўлни имкон қадар қисқа фурсатларда қуриб битказишга аҳд қилинган эди ва бу вазифа шараф билан уддаланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси маълумотларига қараганда, янги йўлда техник ва муҳандислик кўлами жиҳатидан жуда ноёб иншоотлар — жами 609 сунъий қурилма, шу жумладан, 564 сув ўтказувчи йирик мослама ва 43 кўприк барпо этилган. Биргина Деҳқонобод — Бойсун оралиқ масофасида 31 кўприк қурилиши талаб этилди. Бойсун — Дарбанд станциялари оралиғида — атиги бир километрлик масофадаги тоғлар орасида бири биридан мураккаб 6 кўприк қурилгани ҳам темир йўл йўналишининг нақадар қийин жўғрофий ҳудуддан ўтганини тасдиқлаб турибди.

Мисол учун, Деҳқонобод тумани Қорадаҳна қишлоғи яқинидаги Консой устига қурилган кўприкнинг узунлиги 234,2, баландлиги 45 метрни ташкил этади. Ислом Каримов ушбу йирик замонавий кўприк билан танишди, теварак-атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳоли учун зарур ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан тавсиялар берди.

Янги темир йўлда ишловчиларга ва унинг ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолига тегишли ижтимоий шароит яратиш мақсадида ўнлаб замонавий коттежлар қуриб битказилди. Дарбанд станциясида 216 ўқувчига мўлжалланган мактаб, Деҳқонободда спорт мажмуаси қад ростлади.

Давлатимиз раҳбари темир йўлнинг энг баланд нуқтасида барпо этилган "Оқработ" бекатида ҳам бўлди. Ушбу мавзенинг об-ҳавоси ниҳоятда ўзига хос: бир кунда тўрт марта ўзгаради. Айни чоғда, темир йўл ўтказиш, вокзал бунёд этиш билан боғлиқ барча ишларни пухта ва сифатли амалга оширишда ана шу мураккаб иқлим шароитидан келиб чиқилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Поезд "Дарбанд" бекатида тўхтади. Дарбанд ҳақида тарихий манбаларда жуда кўп ёзилган. Бойсундан ғарб томонда Саримас тоғ тизмасида жойлашган мазкур тор дара "Темир дарвоза" номи билан айниқса машҳур. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида муҳим стратегик объект ҳисобланган бу тоғ йўлидан Имом Бухорий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз ўтган. Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо 1403 йилнинг 24 августида ўз ҳамроҳлари билан айнан шу йўлдан ўтиб, Самарқандда — Амир Темур саройида ҳозир бўлган...

Ана шу тарихий манзил яна тарихий воқеаларга гувоҳ бўлди — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл линиясининг Қашқадарё ва Сурхондарё қисмлари ўзаро туташтирилди. Худди шу жойда мазкур темир йўлнинг ишга туширилишига бағишлаб тантанали маросим бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари темир йўл қурилишида иштирок этган барча мутахассисларни улкан зафар билан қутлар экан, аввало, лойиҳачилар, темирйўлчилар, бинокорлар, кўприксозларга, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мутасаддилари ҳамда фаолларига, халқимизнинг буюк ишларига хайрихоҳлик билдирган хорижлик ҳамкорларимизга, ушбу улуғвор ишга ҳисса қўшган барча инсонларга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Бойсунлик оқсоқол Хоним Тошбеков, деҳқонободлик меҳнат фахрийси Ҳожинор Холтўраев, Ўзбекистон Қаҳрамони, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти Ҳамза Маҳкамов, Ғузор тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ҳожиқулова, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, Қарши давлат университети талабаси Нафосат Азизова ва бошқалар мамлакатимизда истиқлол йилларида юртимиз ободлигини, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимиз обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлида амалга оширилаётган буюк ва эзгу ишлар учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Бахши-шоирлар — сурхондарёлик Тожи Холтўраев ва қашқадарёлик Қаҳҳор Раҳимов истиқлол, Ватан, янги ишга тушган темир йўл ҳақида янги термалар ижро этдилар.

Дарҳақиқат, тарихан қисқа муддатда – мўлжалдан икки йил олдин, умумий қиймати 447 миллион АҚШ долларини ташкил этган бу улкан лойиҳа мамлакатимиз темир йўл қурувчилари ва мутахассислари томонидан амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Лойиҳа ҳужжатлари ва бажарилган ишларни ўрганган «Россия темир йўллари» очиқ акциядорлик жамиятининг лойиҳалар экспертизаси бош бошқармаси мутахассислари бажарилган ишларга юксак баҳо бергани ҳам бунинг яққол исботидир.

Ҳа, не-не буюк зотлар қадами теккан бу тарихий манзиллардан истиқлол шарофати туфайли юртимиз равнақига равнақ, халқимиз фаровонлигига фаровонлик қўшадиган, Ватанимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қиладиган темир йўл ўтгани билан фахр-ифтихор этсак арзийди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА махсус мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Фазилов Абдужаббар Муталович** — "Тошкент метрополитени" давлат унитар корхонасининг "Чилонзор" депоси машинисти

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор"

**Алимкулов Бердимурат Сайидович** — Сирдарё гидрогеология-мелиоратив экспедицияси зовурлар бўлими бошлиғи

**Хайдаров Улугбек Умматович** — "Зарафшонҳавзасув" бошқармаси экскаваторчиси, Самарқанд вилояти

*Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан

**Адилов Хасан Пирматович** — ўймакор ёғоч устаси, Тошкент шаҳри

**Ахмедов Тошпўлат** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими масъул котиби

**Бегматов Усмонали** — "Нуроний" жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими раиси

**Бекчанов Нариман Каримович** — Урганч туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Хоразм вилояти

**Болтаев Шоберди** — Бойсун туманидаги халқ бахшиси, Сурхондарё вилояти

**Ғопиров Камолиддин** — Шаҳрихон туманидаги 53-ихтисослашган умумтаълим ўрта мактаби директори, Андижон вилояти

**Зайнутдинова Лола Ибрагимовна** — Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқитувчиси

**Иноятов Джуракул Бахритдинович** — Самарқанд вилоятлараро миллий халқ амалий санъати "Усто" бирлашмаси бадиий раҳбари

**Иноятов Январь Пулатович** — "Нуроний" жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими раиси

**Муйдинхужаев Хумитхон** — Косонсой туманидаги "Чашмаи сафед" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

**Мухаммеддинов Нажимаддин** — Қорақалпоғистон Республикаси Бастакорлар уюшмаси раиси

**Тулаганова Мухайё Мирза-Алиевна** — Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси

**Эсонова Олтиной Аҳмадалиевна** — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими раиси

**Қобилов Солижон Қобилович** — Жиззах тумани иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори

*Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

**Авазов Камил** — "Гурлансувқурилиш" унитар корхонаси бульдозерчиси, Хоразм вилояти

**Базаров Эркин Эргашевич** — "Шўртаннефтгаз" унитар шуъба корхонаси бошлиғининг капитал қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, Қашқадарё вилояти

**Бурханов Иномедин** — Наманган шаҳридаги "Наманганмаш" очиқ акциядорлик жамиятининг асбобсозлик цехи бошлиғи

**Жаппаров Рахматкул Мингқабилович** — "Шўрчипахта" ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси, Сурхондарё вилояти

**Зинько Николай Анатольевич** — Навоий конметаллургия комбинати Шимолий кон бошқармаси бош муҳандиси

**Князева Людмила Петровна** — Сергели туманидаги "Кўприкқурилиш" трестининг кран машинисти, Тошкент шаҳри

**Кучкаров Баходиржон Акбарович** — "Балиқчи-текс" қўшма корхонаси йигирув цехи бошлиғи, Андижон вилояти

**Махмудов Ахматжон Ибрагимович** — "Фарғонаазот" очиқ акциядорлик жамиятининг таъмирлаш-механика цехи бошлиғи

**Мусаев Соли Зияевич** — "Бекободцемент" очиқ акциядорлик жамиятининг клинкер куйдириш цехи айланма печлар катта машинисти

**Намозов Рафаил Мухсинович** — "Бухороқурилиш" ҳиссадорлик жамиятининг монтажчиси

**Рахматуллаева Зора Убайдуллаевна** — "Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий уюшмаси" раиси

**Сангилов Мусурмонкул Раимкулович** — Гулистон туманидаги "Бирлашган" фермер хўжалиги механизатори, Сирдарё вилояти

**Сейтназаров Сарсенбай Ержанович** — Тахтакўпир туманидаги "Тайимбет" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хосилбеков Сайфулла** — "Уч қулоч" кони чилангари, Жиззах вилояти

**Шоназаров Олим Буранович** — Пахтачи туманидаги "Гранит" ҳиссадорлик жамияти цех бошлиғи, Самарқанд вилояти

*Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "Меҳнат шухрати" ордени билан

**Абдуллаев Амет** — "Тахиатошгидроэнергоқурилиш" бошқармаси бош муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдуназаров Абдулла Бегандикович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси

**Абдурахманов Марат Насирович** — "Тошкент тажриба механика заводи" акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

**Аслонов Усмон** — Муборак туманидаги "Гулистон" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Бардиев Хусин** — Хазорасп туманидаги "Машина-трактор парки" давлат акциядорлик жамияти механизатори, Хоразм вилояти

**Болтабоев Хабибилло** — Андижон махсус йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонаси бульдозерчиси

**Валиев Марат Равильевич** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи, Тошкент вилояти

**Ешкабулова Тажиҳал Ешмуратовна** — Қанликўл туманидаги "Ғафур" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ешмуратов Марат** — Зарафшон қурилиш бошқармаси дурадгори, Навоий вилояти

**Жуманиёзов Ражаб Солаевич** — "Қизилқумцемент" очиқ акциядорлик жамияти бош директори, Навоий вилояти

**Карабасов Полат Коптлеуович** — "Шимолгазтаъминот" унитар корхонасининг Мўйноқ тумани филиали директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Комилов Бафо Аюпович** — "Сирдарётелеком" филиалининг Гулистон шаҳар телекоммуникация боғламаси директори

**Мадмуратов Сергей Иргашевич** — "Олмалиқ конметаллургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг рух заводи куйдирувчиси, Тошкент вилояти

**Мамадияров Холмурат Хаитович** — Олтинсой туманидаги "Бунёдкор" қурилиш шуъба корхонасининг участка бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Маматқулов Дилшод Аҳмаджонович** — Жиззах шаҳридаги "ЎзЭксайд" қўшма корхонаси бош муҳандиси

**Назаров Ҳамидулла Сативалдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

**Назиров Зохиджон** — Гидрометеорология илмий-текшириш институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Настюшкин Геннадий Евгеньевич** — Самарқанд шаҳридаги "Сино" очиқ акциядорлик жамияти агрегат бўлимининг дефектловчи устаси

**Новотов Хайдар Бозорович** — Нишон туманидаги "Хўжаёр ота" фермер хўжалиги механизатори, Қашқадарё вилояти

**Одилов Тошпулат** — Қоровулбозор туманидаги "Ўзпарқурилиш" очиқ акциядорлик жамияти бош иш юритувчиси, Бухоро вилояти

**Ортиқов Бекдурди Садуллаевич** — Қўшкўпир туманидаги "Ҳамроҳ" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Расулов Ахмадали Мамажанович** — Мингбулоқ туманидаги ирригация бошқармасининг экскаватор машинисти, Наманган вилояти

**Сабиржанов Равиль Салихович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси ўринбосари

**Сулаймонов Носир Тошевич** — Бухоро локомотив депосининг тепловоз машинисти

**Ташпулатов Шермамат Уринбоевич** — Булунғур туманидаги "Пилла" масъулияти чекланган жамияти бош агрономи, Самарқанд вилояти

**Утабаев Рустам Хайдарович** — Арнасой туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Файзиев Неъматулла** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

**Хадиметов Шухрат Шадиевич** — "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси "8-автобус саройи" акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

**Хотамов Зиннат Бўронович** — Навбаҳор тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонаси автогрейдерчиси, Навоий вилояти

**Чеботарев Сергей Николаевич** — Қувасой шаҳридаги "Кварц" акциядорлик жамияти бош метрологи, Фарғона вилояти

(Давоми 3-бетда).

## 25 август — «Ниҳол» мукофоти таъсис этилган кун

# ИСТЕЪДОДЛАР ЮРТ НАЗАРИДА



**Юртбошимиз ташаббуси билан 2000 йилда ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти таъсис этилганлиги санъат оламига кириб келаётган ёшлар ҳаётида бурилиш ясади.**

Ушбу юксак мукофот юртимизнинг бунёдкор, саховатли, иймон-эътиқодли халқи кўксини тоғдек кўтарадиган, ёш авлоднинг Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмакон бетакрор ватанга фарзандлик туйғусини изҳор этадиган қўшиқлар яратишга кенг йўл очди.

Ўшандан бери 7 марта ўтказилган кўрик-танлов кўплаб янги номларни кашф этди. Ватан, истиқлол, миллатни улуғловчи, жанговар ва ҳарбий қўшиқлар ёзилди. Айтиш керакки, уларнинг жозибадор ижроси нафақат хонадонларимизга кириб келди, қалбларимизга ўрнашди, балки, дунё айланиб, халқаро миқёсдаги ёшлар мусиқий кўрик-танловлари-ю фестивалларда ҳам янграмоқда. Чунончи, Дилфуза Раҳимова, Гулсанам Мамазоитова, Илҳом Фармонов, Абдулазиз Каримовлар кейинчалик «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлдилар.

2006 йилдан эътиборан номзодларни саралаш уч босқичда ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад республикамизнинг чекка ҳудудларида яшаб ижод қилаётган истеъдодларни ҳам излаб топиш ва улар ижодини тарғиб қилишдир.

Бу йилги саралаш босқичи январь ойидан бошланди. Биринчи босқичда иштирок этган 7000 дан зиёд ёшлардан 789 нафари иккинчи саралаш босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бу ўтган йилдагидан қарийб уч баробар кўп демакдир. Ғолиблик эса Ўсмирлар симфоник оркестри ва 13 нафар ёш ижрочига насиб этди. Шундай қилиб, «Ниҳол» мукофоти соҳиблари 85 нафарга етди.

— Юртимизда ёш истеъдодларга ҳамиша ғамхўрлик кўрсатилиши, уларнинг ўз қобилият ва салоҳиятларини юзага чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларнинг муҳайё этилиши бизнинг бахтимиз, — деди «Ниҳол» мукофотининг 2007 йилдаги соҳиби, эстрада хонандаси Шароф Муқимов. — Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдормиз. Айни пайтда бундай ишончга муносиблик ва сазоворлик ҳам осон кечмайди. Тинмай изланишимиз, халқимизга маънавий озуқа берадиган қўшиқлар яратишимиз лозим бўлади. Куни кеча пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида номимни айтиб, томошабинлар олқиши остида залга таклиф этишганида жуда ҳам тўлқинланиб кетдим. Бизни Ватан шундай улуғлаб, ардоқлаётган экан, унинг шаъншавкатини юксакларга кўтариш, шуҳратига шуҳрат қўшиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Дунёда қўшиқлар кўп. Лекин киндик қонинг тўкилган, тупроғи товонларингни ўпган Ватан ҳақидаги қўшиққа уларнинг ҳеч бири тенг келолмайди. Зеро, «Ниҳол» мукофоти Ўзбекистоннинг, меҳнаткаш ўзбек халқининг шаънига битилган энг гўзал қўшиқлар ижрочиларини кашф этавершига ишончимиз комил.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.**






# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Олий суд қарори

***Покистон Олий суди шу пайтга қадар қувғинликда юрган мамлакатнинг собиқ бош вазири Навози Шарифнинг ўз ватанига қайтишига рухсат берди.***



У 1999 йилда мамлакатнинг амалдаги президенти Парвез Мушарраф ҳарбий тўнтаришни амалга оширгандан сўнг чет элга чиқиб кетишга мажбур бўлганди. Ўша пайтда собиқ бош вазир умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганди.

Кузатувчиларнинг фикрича, Навози Шарифнинг ўз ватанига қайтиши мамлакатдаги мухолифатчилар фаолиятининг жонланишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки у Парвез Мушарраф давлат тепасига келгандан сўнг мухолифатга айланган партиянинг етакчиси ҳисобланади.

## Террорчи йўқ қилинди

***Грозниййда Чеченистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилган махсус амалиёт чоғида террорчилар гуруҳи етакчиси Рустам Басаев йўқ қилинган.***

У мамлакатда бир қатор ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланиб қидирилаётганди. Бу ҳақда махсус амалиётга раҳбарлик қилган Чеченистон Республикаси ички ишлар вазири Руслан Алханов журналистларга маълум қилди. Амалиётлар чоғида икки нафар милиция ходими ҳам ҳалок бўлди.

## Бир ойга кечиктирди

***Ироқ Олий трибунали Саддам Ҳусайннинг 15 нафар сафдошлари устидан олиб борилаётган суд жараёнини бир ойга кечиктирди.***

Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Судланувчилар 1991 йилда мамлакат жанубидаги аҳолига зулм ўтказганликда гумон қилинмоқда. Шу пайтга қадар суд жараёнида 90 нафар гувоҳнинг кўрсатмалари тингланди.

## Гўшт экспортига рухсат берилди

***Европа Иттифоқи Буюк Британиядан гўшт ва сут маҳсулотлари импортига қўйилган тақиқловни бекор қилди.***

ЕИ шу йилнинг 6 август куни Бирлашган Қиролликда оқсил касаллиги кенг тарқалгани учун чеклов жорий этганди. Томонлар ўртасида эришилган келишувга мувофиқ оқсил касаллиги тарқалган ферма ҳудудидан ўн километр узоқликда жойлашган фермаларда етиштирилган гўшт маҳсулотларини бемалол экспорт қилиш мумкин.

## Шартномалар имзоланмоқда

*Россияда бошланган «МАКС-2007» халқаро аэрокосмик кўргазмасида россиялик ишлаб чиқарувчилар ва хорижлик буюртмачилар ўртасида ўтган уч кун мобайнида бир неча миллион долларлик шартномалар имзоланди.*



Айниқса, «Ильюшин Финанс» корпорацияси самолётларига қизиқиш катта бўлаяпти. Масалан, Эрон мазкур корпорациядан бешта юк ташувчи «Ту-204-120С» самолётини сотиб олиш бўйича шартнома имзолади. Шартнома қиймати 200 миллион доллар атрофида баҳоланаяпти. Самолётларни етказиб бериш 2009 йилдан бошланади.



## Илк бор фойда билан

**1990 йилда Ғарбий ва Шарқий Германия қўшилгандан буён биринчи маротаба 2007 йилнинг ярим йиллигида давлат бюджетида профицитга эришилди. Федерал статистика агентлиги хабарида айтилишича, ярим йилликда профицит ҳажми 1,2 миллиард еврони ташкил этган. 2006 йилда давлат бюджетида 23 миллиард долларлик тақчиллик мавжуд эди.**

## Толибларнинг янги таклифи

***«Толибон» ҳаракати вакиллари гаровда ушлаб турилган 19 нафар Жанубий Корея фуқароларини ўзларининг бир нафар етакчисига алмаштириш таклифи билан чиқишди.***



Ҳозир ушбу етакчи Польша қамоқхонасида сақланмоқда. Толиблар Пума деб атаётган ушбу етакчи польшалик ҳарбийлар томонидан Афғонистон шарқида қўлга олинганди. Польша мудофаа вазири Александр Шигло Пума Афғонистонда қидирилаётган хавфли террорчилар рўйхатида тўртинчи ўринда туришини ва ўта муҳим шахс эканлигини таъкидлади.

Расмий Кобул ва АҚШ бу каби алмашувларни кескин рад этмоқда. Улар агар бунга йўл қўйилса, мамлакатда оммавий гаровга олишлар бошланиб кетишидан хавотир билдиришмоқда.

## Аббос қайта сайланмоқчи эмас

**Фаластин мухториятининг амалдаги раҳбари 73 ёшли Маҳмуд Аббос ўз лавозимида қолишга ҳаракат қилмайди. «The Jerusalem Post» газетаси етакчининг яқин сафдошлари берган маълумотга таяниб бу ҳақда хабар тарқатди. Мухторият етакчисининг яқин сафдоши Маҳмуд Аббос сиёсий фаолиятдан чарчаганини ва эндиликда дам олмоқчи эканлигини айтган. Газетада таъкидланишича, Маҳмуд Аббоснинг мамлакат раҳбарлигига қайта сайланиши Исроил билан тинчлик алоқаларининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатиши эҳтимоли жуда кам.**

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


ISO 9001:2000
AZIAELECTRO ENERGIYA
CERTIFIED IQNet MANAGEMENT SYSTEM
«AZIAELECTROENERGIYA»
ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
жонажон Ўзбекистон халқини энг улуғ
ва энг азиз байрам, асрий орзу-ниятларимизнинг
рамзи бўлган муборак сана –
Мустақиллигимизнинг 16 йиллик
шодиёнаси билан чин дилдан
самимий муборакбод этади!
Сиз, азизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, эзгулик ва фаровонлик,
мамлакатимизнинг янада ривожланиши, улкан салоҳияти билан
бутун дунёда ўз ўрнини топиши, гуллаб-яшнаши, халқимизнинг
тинчлиги, фаровонлиги, порлоқ келажагини таъминлашдаги
бунёдкорлик меҳнатларингизда янгидан-янги зафарлар тилаймиз!
Корхона бошқарув тизими
«ISO 9001:2000» халқаро сифат
стандарти талабларига
жавоб беради.
Барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар корхонанинг
аккредитацияланган лабораториясида
синовдан ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси
сертификатлаштириш органларида
баҳоланади.
ЮҚОРИ СИФАТ,
ИШОНЧЛИ ҲАМКОР
Буюртма асосида.
Кафолат муддати –
2 йилдан 5 йилгача.
Манзил: 111200, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент вилояти, Қибрай шаҳарчаси, Муқимий кўчаси, 18-уй.
Тел.: (+99898) 128-41-00. Тел./факс: (+99898) 301-41-00.

